

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 162 (418), 2021 йил 12 август, пайшанба



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

МУҲИМ ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август куни Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилояти аҳолисининг 46 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. 218 та сув иншооти ва 3 минг километрдан зиёд тармоқлар таъмирга муҳтож. Вилоятнинг жанубий туманлари ва Термиз шаҳрида сув минерализацияси миқдори ошган.

Шу боис, Президентимиз 2 июнь куни Сурхондарё вилоятига таширфи чоғида "Тўпаланг" сув омборидан ичимлик суви тармоғи тортиш бўйича курсатма берган эди. Шунга мувофиқ, дастлабки лойиҳа ишлаб чиқилди.

Лойиҳага кўра, "Тўпаланг" сув омборининг кўйи қисмида босимни сундириш, сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотлари қурилади. У ердан туманлардаги сув тақсимлаш узелларига ҳам 361 километр қувур тортилади. Бу тизим самарасида Сароисиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизилқум, Шеробод, Ангор, Музаббот, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 1 миллион 700 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 138 миллион доллар бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Уни 2024 йилда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, уни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича курсатма берди. Қурилиш ишларини "Обод қишлоқ" дастури билан уйғунлаштириш, сув таъминоти бўйича давлат-хусусий шериклини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Сервис иқтисодиётида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 майдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бу соҳани иқтисодиётда муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар соҳасини икки бараварга ошириш мақсади белгиланган. Шунга мувофиқ, 2021-2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш вазифаси қўйилган.

Бу борада Тошкент шаҳрининг имкониятлари жуда катта. Хусусан, жорий йилнинг июнь-декабрь ойларидан хизматлар соҳасида 415 мингта янги ўрни яратиш мўлжалланган. Бу режа янги тадбиркорлик субъектлари ва туну кун ишлайдиган савдо-кўн-гилочар кўчалар ташкил этиш, ўзини ўзи банд қилиш, биринчи қават ва ертўраларни ижарага бериш орқали амалга оширилади. Жумладан, июнь-июль ойларида 24 минг киши ўзини ўзи банд қилган, янги тадбиркорлик субъектларида 17 минг фуқаро ишли бўлган.

Президентимиз бу тажрибани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш бўйича топшириқ берди. Қонунчиликка ўзгартириш киритиб, хизмат курсатувчиларга молиявий энгилликлар бериш орқали улар фаолиятини расмийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Олий Мажлис палаталарининг:

Олий Мажлиснинг **Бола ҳуқуқлари бўйича вакили**

(кейинги ўринларда — Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)) **институтини таъсис этиш;**

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини тугатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Болалар омбудсмани ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади, ўз фаолиятида Олий Мажлис палаталарига ҳисобдордир;

Болалар омбудсмани Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади;

Болалар омбудсмани лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг

палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан киритилади.

3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича **Болалар масалалари бўйича миллий комиссия** (кейинги ўринларда — Миллий комиссия), Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) этиб қайта ташкил қилинсин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛИК БИЛАН КУРАШИШ КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэтироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

а) 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни

парвариш қилиш нафақаси ўрнига **кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси** (кейинги ўринларда — болалар нафақаси) жорий этилади. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инobatта олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади;

тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади;

унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади;

б) **якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам** тайинланади.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ЖАМИЯТДАГИ МЕҲРЛИ МУҲИТ КЎНГЛИ ЎКСИК БОЛАЛАР ҲАЁТИНИ ИЗГА СОЛАДИ

Халқимиз фарзанд тарбиясида жуда талабчан, ўз навбатида, меҳрибон ва бағрикенг ҳамдир. Дунёдаги турли миллат ва давлатлар бошига ташвиш тушган оғир даврларда ҳам саховатли заминда улғайган халқимиз бағрикенг ва болажон феълини намойиш этиб, ота-онасиз, оч-наҳор қолган минглаб болаларни бағрига олди, ўз фарзанди каби вояга етказди.

Бунга тарих гувоҳ.

Лекин шундай тақдирлар ҳам борки, фарзанд ота-она меҳридан мосуво бўлади. Гудак ҳаётнинг бешарфат, оғир зарбаларига дуч келади. Бундай ҳолатларда эса фақатгина

жамиятдаги меҳрли муҳит, одамларнинг эътиборли муносабати кўнгли ўксик болалар ҳаётини яна изга солишга қодир.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛИНИНГ ХОМАШЁ ЭКСПОРТИГА БУТКУЛ БАРҲАМ БЕРИЛДИ



ЁХУД ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЭВАЗИГА УДДАЛАНГАН ВАЗИФА

3-бетга қаранг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ҚАРОРГА КЎРА, 2021 ЙИЛ 15 АВГУСТДАН:

турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар **18 ЁШГА ТЎЛГАН** йилда кўп квартиралар уй-жойлардан майдони **25 КВАДРАТ МЕТРДАН КАМ БЎЛМАГАН** 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида **НИХОЖ ТУЗИЛГАН ҲОЛЛАРДА**, **50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 ХОНАЛИ КВАРТИРАЛАР АЖРАТИЛАДИ**. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар **КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ УЧИНЧИ ҚАВАТИГАЧА АЖРАТИЛАДИ**;

квартиралар ҳокимликлар томонидан кўчмас мулкнинг бирламчи бозоридаги **ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА ҚУРИЛГАН КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИНАДИ**;

кўчмас мулк бирламчи бозорида мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий **"ХАЛҚПАРВАР" КОМИССИЯЛАРИ ХУЛОСАСИГА АСОСАН** квартиралар кўчмас мулкнинг иккиламчи бозоридан харид қилинади;

уй-жойлар билан таъминлаш **"ОНЛАЙН-НАВБАТ" ТИЗИМИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**, бунда навбатга ўзгартириш киритилишига ҳамда навбатидан олдин кейинги навбатдаги болаларга уй-жой ажратилишига йўл қўйилмайди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ улар **30 ЁШГА ТЎЛГУНЧА УЙ-ЖОЙНИ СОТИШ, ҲАДЯ ҚИЛИШ ЁКИ ГАРОВГА ҚЎЙИШ ЁХУД ИЖАРАГА БЕРИШ ҲАМДА УЙ-ЖОЙДА ЎЗИ ВА ОИЛА АЪЗОЛАРИ** (эри ёки хотини, фарзандлари) дан ташқари бошқа фуқароларни **ДОИМИЙ ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲУҚУҚИСИЗ АЖРАТИЛАДИ**.

Бунда, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг асосланган мурожаати асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойнинг умумий майдонини кенгайтириш ва тегишли талабларни сақлаб қолиш шарти билан сотишга рухсат берилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

Куйидагилар Миллий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўриладиган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар ўзларининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан ўз фаолиятини ташкил этишда тегишли давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Куйидагилар: Болалар масалалари бўйича миллий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Миллий комиссиянинг низоми ва ҳудудий комиссияларнинг намунавий низоми тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ўз фаолияти юзасидан Миллий комиссия ҳар йили Олий Мажлис Сенатига, ҳудудий комиссиялар эса ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига ахборот тақдим этади.

6. 2021 йил 1 сентябрдан куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибияти таркибида Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 3 та штат бирлигидан иборат Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия қотиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўъбасидаги бир нафар мутахассис лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш масалалари қотибияти; туман (шаҳар) ҳокимликларида амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссия қотиби ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича методисти лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси штат бирикмалари прокуратура органларининг 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибиятига куйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ушбу йўналишда давлат сиёсатини рўйбга чиқаришга доир чора-тадбирларни белгилаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиклиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратиш ва такомиллаштириш;

оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар билан ишлаш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб

чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш; етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратилиши ва уларнинг ўз эгаларига etkazилиши устидан мониторинг ўрнатиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

имконияти чекланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш; назоратсиз, қаровсиз ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш чораларини кўриш.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари қотибиятлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишинча Миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

9. Куйидагилар: Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбасининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари қотибиятларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг намунавий тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш масалалари қотибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибияти томонидан мувофиқлаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси ва Вазирлар Маҳкамаси қотибиятининг ҳудудий тузилмаларига ишга, қоида тариқасида, биринчи навбатда “психология”, “юриспруденция” ва “ижтимоий иш” соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

11. Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида куйидагиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига — ҳудудларда болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларни ўз вақтида турар жойлар билан таъминлаш учун;

Миллий гвардия қўмондони Р.Джурраевга — болалар, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ватанпарварлик йўналишидаги маънавий-маърифий ва маданий таълимнинг ўтказиш, болалар спорт турларини ривожлантириш ва уларни жалб этиш чораларини кўриш учун;

Болалар оғибудсманига — болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва тарбия колониялари фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш учун;

ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Абдуллаевга — болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун;

соғлиқни сақлаш вазири А.Хаджибаевга — спиртли ичимликлар, ғиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, устувор равишда болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун;

халқ таълими вазири Ш.Шерматовга — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисобини юритиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш чораларини кўриш, мазкур масалалар бўйича мунтазам равишда Болалар оғибудсманига ахборот киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛИК БИЛАН КУРАИШ КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

2. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг куйидаги миқдорлари белгилансин:

а) болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, 325 000 сўм — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

б) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — 380 000 сўм.

Бунда, 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга

тўлгунча қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунча қадар, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

3. Молия вазирлиги 2021 йил якунига қадар болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар сонининг ўртача 20 фоизга ошишини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилда ушбу чора-тадбирларни молиялаштиришга бюджетдан қўшимча маблағ ажратсин ҳамда Давлат бюджетининг 2022 йилдаги параметрларини шакллантиришда мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган

оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор вазирлик ва идораларга “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилади.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов) билан биргаликда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими маълумотлар базасидаги кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар вазирлик ва идораларга “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши ҳамда ахборот алмашинувининг самарали ишлашини таъминласин.

5. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов), Бандлик

ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда 2021 йил 20 августга қадар куйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

кам таъминланган болали оилаларга нафақани ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби;

минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби.

6. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармон мақсади, вазифалари ва бундан қўллаб-қувватлаш натижаларини оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон

Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири

Т.А.Ишметов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норкулов белгилансин.



Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрь ва 2022 йил 1 апрелга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 11 август



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ХОМАШЁ ЭКСПОРТИГА БУТКУЛ БАРҲАМ БЕРИЛДИ

ЁХУД ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЭВАЗИГА УДДАЛАНГАН ВАЗИФА

М. МАҲКАМОВА,
Ислом Каримов номидаги ТДТУ кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик шодиёналари арафасида ортага бир назар ташлар эканмиз, айниқса, охириги беш йиллик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётимизда туб бурилиш палласи бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, иқтисодиётда юз берган инқилобий ўзгаришлар туфайли юртимизнинг sanoat салоҳияти юксалиб, экспортда тайёр маҳсулотлар улуши тобора ортиб бораётгани, бу Ўзбекистоннинг ташқи бозордаги имижига ҳам янгилашиб, ўз ўрни ва позицияларини мустақамлаганини кўрсатади. Биргина пахта-тўқимачилик соҳасида эришилган натижалар фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳақда гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Пахта сотиш керак эмас, қайта ишлаш керак. Маҳсулот қилиш керак, қўшимча қиймат билан сотиш керак. Даромад топиш керак, манфаат бўлиши керак. Мана, пахта нима учун керак?"

Бугун фахр билан айтаемизки, чорак аср давомида етиша олмаган ушбу мақсадга сўнгги бир неча йилда эришилди. Бунда Президентимизнинг ташаббуси билан соҳага бозор муносабатларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва sanoat ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш ва чуқур қайта ишлашни ўзлаштириш бўйича олиб борилган оқилона сиёсат ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Саноат локомотиви

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6,2 фоиз ўсди. Дунёни пандемия чулғаб олган ҳозирги мураккаб шароитда бундай юқори натижага қайт этилишида айтиш мумкин, sanoatда 8,5 фоиз, инвестицияларда 5,9 фоиз ва хизматлар кўрсатиши соҳасида 8 фоиз ўсиш суръатлари таъминлангани муносабатларини таъминлагани билан соҳага бозор муносабатларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва sanoat ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш ва чуқур қайта ишлашни ўзлаштириш бўйича олиб борилган оқилона сиёсат ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Инқилобий ислохотлар меваси

Очилини айтиш керак, 25 йилда уддалай олмаган ушбу натижани атиги 5 йилда қўлга киритиш осон кечгани йўқ. Бу тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғини тубдан янгилаш бўйича амалга оширилган инқилобий ислохотлар самарасидир. Ислохотлар эса, асосан, 4 йўналиш бўйича олиб борилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Биринчиси, қонунчилик ҳужжатлари ҳозирги замон талаблари ҳамда тадбиркорлар дуч келадиган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш асосида тақомиллаштирилиб, тармоқда эмин-эркин бизнес юритиш кафолатлари таъминланди. **Иккинчиси**, соҳанинг инвестициявий жозибадорлиги, молиялаштириш ва диверсификация қилиш йўналишлари аниқлаб олинди. **Учинчиси**, хомашё базаси бозор иқтисодиёти талаблари асосида пахта етиштирувчиларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда ислохот қилиниб, сифатли хомашё базаси билан таъминланди. **Тўртинчиси**, ташқи бозорларда бемалол рақобат қилиш шароити яратиб берилди.

Муваффақият омилларидан яна бири илгари маҳаллий мазорда деярли айтилмайдиган таққилларнинг олиб ташлангани билан боғлиқ. Бу ерда гап мажбурий меҳнат вақидан ўзбек пахтачисига нисбатан чекловлар қўйилгани, бутун дунё Ўзбекистон пахтасини бойкот қилгани ҳақида кетмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси билан талаба ва ўқувчиларни пахта даласига чиқариш, ўқитувчи ва шифокорларни теримга жалб қилиш каби номақбул ҳолатларга барҳам берилди. Мамлакат халқаро ҳамжамият олдига "Болалар меҳнати", "Аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш", "Мажбурий меҳнат" деган таъна-дашномалар, инсондан қутулди, турли иқтисодий чекловлардан озод этилди. Алаҳхусус, АҚШ ҳукумати томонидан болалар ва мажбурий меҳнат мавжуд давлатлар "Қора рўйхат"дан Ўзбекистон расман чиқарилди.

Бу — ўзбек пахта толаси ва у асосида тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорлари очилди, дегани! Бу sanoatимизнинг тарихий ғалабасидир!

Кластер соҳага — инновациялар

2017 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тармоқни янги босқичга олиб чиқадиган "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулк объектларини сотиши ҳақида"

тириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат асосида амалиётда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида тўлиқ хусусийлаштиришга ўтилди. Яъни кластер тизими жорий этилиб, тўқимачилик тармоғининг қишлоқ хўжалиги билан кооперацияси янги босқичга олиб чиқилди. Бухородаги "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластери Президентимиз томонидан илгари сурилган кластер гоёсининг йўлга қўйилиши самараси!



дастлабки амалий натижаси, Ўзбекистондаги қалдирғоч кластер ҳисобланади. Мазкур усулда пахта етиштириш ҳосилни йиғиштириб олиш, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, хатто харидорларга етказиб бериш — буларнинг бари билан кластернинг ўзи шугулланади. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги ва sanoat интеграциялашади, дала меҳнатчилари ва корхона ишчиларининг манфаати муштараклашади. Энг асосийси, қўшимча қиймат яратилиб, мамлакат экспорт салоҳияти ортади.

Ана шундай инновацион усулда фаолият юритаётган "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластерида маҳсулот етиштириш ва етказиб беришнинг тўлиқ sanoat занжирини яратилган. Кластер ахтиёжи учун зарур миқдордаги пахта хомашёси шу тизимда — Ромитан туманидаги "BCT Cluster Agrokompleks" масъулияти чекланган жамияти томонидан етиштирилса, "Bukhara Cotton Textile" корхонасида чуқур қайта ишлашиб, "Denim" жинси либослари ишлаб чиқарилади. Бу ерда тайёрланаётган органик тўқимачилик маҳсулотларини харидорларга тўғридан-тўғри етказиб бериш мақсадида юртимиз ва хорижий давлатларда савдо дўконлари очилди. Қувонарлиси, уларнинг дастлабкилари ҳозирги пайтда фаолият кўрсатмоқда.

Ўз брендида эга бўлган ушбу кластерда яқин келажакда тайёр маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилиниши режалаштирилган. Экспорт қилиниши асосида ишлаб чиқарилаётган табиий маҳсулотни харид қилиш истагидаги ҳамкорлар сафи эса ой сайин кенгаймоқда. Айни пайтда "Collins"

компанияси билан шартнома имзолашиб, биринчи партия маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, "DeFacto", "Carrera Jeans", "LCWaikiki", "Inditex Group", "Zara" сингари халқаро брендлар билан музокаралар олиб бориляпти. Улар билан ҳам амалий келишувга эришилиши ўзбек миллий брендининг жаҳон бозорига омалашшига хизмат қилади, албатта.

Саноатлашаётган чекка ҳудудлар

Охириги беш йилда қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президентнинг 30 дан ортқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Қўшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилиб, аграр жабҳадаги имкониятлар янада кенгайди. Соҳа учун субсидиялар ажратилди. Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида кластер тизими жорий қилиниб, уларга шу йилнинг ўзида 6 триллион сўмдан зиёд кредит берилди. Натижада биргина пахта-тўқимачилик йўналишида фаолият

кўрсатмоқда. Туркиялик сармоядорлар ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 йил давомида жами 10 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритишни режалаштирган. Корхонада 500 та янги иш ўрни яратилиши ҳамда маҳсулотлар ички бозор билан бирга экспортга ҳам йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Қийқимдан калава-ип

Соҳадаги янгилашлар туфайли ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб, тўқимачилик лойиҳалари учун капиталлар айнан олис ҳудудларга киритилляпти. Туркиялик инвесторлар Хусейн Эрдём ва Азиз Кая Фарғонада навбатдаги лойиҳага сармоя киритиш ташаббуси билан чиққани юртимиздаги иқтисодий ислохотларга инвесторларнинг ишончи ортиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Навбатдаги, дея урғу беришимизнинг боиси бор, албатта. Турк ҳамкорлар шу пайтгача Қўқон шаҳри, Бувайда ва Фуркат туманларида тўқимачилик корхоналари ташкил этган бўлиб, бу галги лойиҳа чиққисиз технологияга асослангани билан Ўзбекистонда ягона ҳисобланади. У тикувчилик қийқимларидан калава-ип ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Туркиялик сармоядорлар ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 йил давомида жами 10 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритишни режалаштирган. Корхонада 500 та янги иш ўрни яратилиши ҳамда маҳсулотлар ички бозор билан бирга экспортга ҳам йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Ҳосил ҳудуднинг ўзида қайта ишланади

2020 йилда юртимизда етиштирилган 3 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёсининг асосий қисми пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди. Улар томонидан ресурс тежамкор ва инновацион агротехнологиялар қўлланилаётгани туфайли ҳосилдорлик бир йилда ўртача 10 фоизга ошди. Бу йил эса бу борадаги кўрсаткичлар янада ортиб, ялпи пахта ҳосили 3,5 миллион тоннага етказилиши кутилмоқда.

Кластер шарофати билан қишлоқ хўжалиги ва sanoat интеграциялашуви жадаллашиб, пировардида етиштирилган пахта ҳосили ҳар бир ҳудуднинг ўзида чуқур қайта ишланмоқда, қўшимча қиймат яратилляпти. Мисол учун, Наманган вилоятида жорий йилда маҳаллий хомашёдан трикотаж мато ҳамда кийим-кечак тайёрлаш даражаси 100 фоизга етказилди. Бунинг учун охириги беш йилда тўқимачилик соҳасида корхоналар сони 751 тага ортиб, 2020 йилда унинг ҳудудий sanoatдаги улуши 35,5 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1 ярим йиллик яқунларига кўра, тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони 1 937 тага етказилди. Улар вилоятда етиштирилган пахта хомашёсидан олинган толаси тўлиқ қайта ишлаш қувватига эга.

Бу йил Сирдарё вилоятида ҳам маҳаллий хомашёдан трикотаж мато тайёрлаш даражасини 100 фоизга етказиш мўлжалланган. Тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган 29 та лойиҳа

бунда муҳим ўрин тутди. Уларнинг сармарасида қарийб 818 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, қўшилган қиймат 2,5 баробар ортади. 6 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилди. Бундай мисолларни ҳар бир ҳудуд мисолида келтириш мумкин. Чўнқи соҳага сўнгги тўрт йилда 2,1 миллиард долларлик инвестиция киритилиб, 255 дан ортқ янги лойиҳалар ишга туширилди. Шу жумладан, 3,2 миллиард доллар миқдорда хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, чет эл сармоясини иштирокида тузилган 120 дан ортқ янги корхона очилди. Бу лойиҳаларнинг самараси ўлароқ, 50 мингдан ортқ янги иш ўрни яратилди. Уларга, асосан, қишлоқ хотин-қизлари жалб этилдики, бу тўқимачилик sanoati ижтимоий масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи соҳалар қаторида эканини аңлатади.

Рақобатбардошлик ва юқори сифат эътирофи

Шубҳасиз, тўқимачилик sanoati кейинги пайтда иқтисодиётимизнинг "драйвери"га айланди. Соҳанинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлиб, экспорт салоҳияти тобора ортиб бораётганини кузатган киши борки, бунди, албатта, эътироф этилади. Бинобарин, бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари дунёнинг барча қиъаси, 70 дан ортқ давлатга етказиб берилди. Йиллик экспорт ҳажми эса 2,0 миллиард долларга етказилди.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда пахта етиштиришда мажбурий меҳнат бекор қилингани ўз исботини топиб, GSP+ тизимига киргани ташқи савдо амалиётларининг кескин ошишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Негаки, ушбу тизим туфайли Европа мамлакатлари учун бозорлар очилди. Пировардида пандемиянинг салбий таъсирига қарамай, экспорт ҳажми барқарор равишда ўсмоқда. 2021 йилнинг 1 ярмида мамлакат экспорти таркибида тўқимачилик маҳсулотлари (62,9 фоизга) юқори ўсиш суръати сақланиб қолгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Прогнозларга қараганда, иккинчи ярим йилликда ҳам ижобий тенденция кузатилади. Дастлабки ҳисоб-китоблар ушбу даврда 15 триллион сўмдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти борлигини кўрсатмоқда.

Ҳа, Президентимиз саяё-ҳаракати билан соҳа ривожига тўсиқ бўлиб турган говлар олиб ташланди. Қулай бизнес муҳити яратилиб, тадбиркорлик ривожини учун зарур шароитлар муҳайё этилди. Энди ҳамма гап тадбиркорларнинг ўзида қолди. Агар улар маркетинг, брендинг, дизайн ва реклама ишларини тўғри йўлга қўйиб, чинакам меҳнат қилса, ички ва ташқи бозорларда бемалол рақобатга киришиб, ўз жойини мустақамлаб олади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пахта-тўқимачилик sanoatда амалга оширилган тарихий ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг мазкур соҳаси энг сердаромад тармоқлардан бирига айланмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда пахта хомашёси етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш салоҳияти шунчалки юқорики, ҳар йили ўртача 1 миллион тоннадан ортқ пахта толаси олинса, уни чуқур қайта ишлаш эвазига ҳозирги экспорт кўрсаткичларини камидан 10 баробар ошириш мумкин. Бугун ана шу устувор мақсад йўлида улкан инвестициявий лойиҳаларга қўл урилмоқда, янги қувватлар ишга тушириляпти. Натижада заминимизда етиштирилган пахтаини қайта ишлаш даражаси 100 фоизга чиқарилиб, Ўзбекистон хомашё экспортга буткул чек қўйилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС**Хориждаги Ўзбекистон фуқароларининг Президент сайловидаги фаол иштироки таъминланади**

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда “Хориждаги Ўзбекистон фуқароларининг сайловдаги иштирокини кенг таъминлаш: меъёрий-ҳуқуқий асослар, имкониятлар ва механизмлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев, ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари (онлайн шаклда), шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси ва Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов муҳим сиёсий воқеа — жорий йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловини юқори даражада ташкил этиш, хорижда истиқомат қилаётган мамлакатимиз фуқароларининг сайловда фаол иштирокини таъминлаш жараёнида вазирлик томонидан қилинаётган тизимли ишлар ҳақида маълумот берди.

Хусусан, Президент сайловига тайёргарлик кўриш доирасида юртимиз дипломатия ваколатхоналари фаолият юритадиган 38 та давлатда 54 та сайлов участкаси, шунингдек, ушбу давлатларнинг 128 та шаҳрида ва дипломатия ваколатхоналари мавжуд бўлмаган 11 та давлатда қўшимча равишда жами 316 та кўча сайлов участкаси ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

Хориждаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Президент сайловини хорижда юқори савияда ўтказиш мақсадида маҳаллий ҳокимият, диаспорал ташкилотлар ва кўп сонли ўзбекистонлик мутахассислар меҳнат қилаётган корхоналар раҳбарлари билан учрашувлар ва музокаралар мунтазам ўтказилмоқда.

— Хорижий давлатлар вакиллари Ўзбекистон халқи ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишда ҳар томонлама кўмак беришга тайёрглигини билдириб, овоз бериш жараёнини ўтказишда барча зарур ёрдам кўрсатилишини билдирмоқда, — деди Фурқат Сидиқов. — Айни пайтда дипломатия ваколатхоналари томонидан чет элдаги сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев Сайлов ко-

вида иштирок этиш учун барча шароитлар яратиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берди. Жумладан, бу борада Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхоналари олдида турган маъсулиятли вакифаларга эътибор қаратилди.

— Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги ваколатхоналари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқда, — деди МСК раиси.

— Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом илк бор ишлаб чиқилди. Низомда сайловда хориждаги сайлов участкаларини Марказий сайлов комиссияси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли сайлов округига бириктириш белгиланди. Ватандошларимизга бу йил аввалги сайлов кампанияларидан фарқли тарзда кенг имкониятлар тақдим қилинмоқда. Мазкур ишлар фақат консуллик рўйхатида турган юрtdошларимизга овоз бериш жараёнида иштирок этишга рухсат берилган бўлса, жорий йилги сайловда ушбу талаб бекор қилинди. Энди ватандошларимиз дипломатия ваколатхоналарига мурожаат қилиб ёки вазирлик сайти орқали рўйхатдан ўтиб, сайлов ҳақида қўшимча маълумот олиш имконияти мавжуд бўлиши белгиланди. Жорий этилаётган бундай янгиллик ва қулайликларни қабул қилинди.

Қарорларда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, бундай болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича бир-бирдан долзарб ва аҳамиятли масалаларни амалга ошириш белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий Болалар уйлари ва “SOS” Ўзбекистон болалар маҳаллалари нинг бириктирилиши зиммасига ҳам маъсулият, ҳам ишонч қўлади.

Ер юзиде ҳар бир бола бахтиёр яшашга ҳақли. Барча тендошлари қатори етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳам тўлақонли тарбия олиш, даволаниш, ўқиш, ўзи қизиққан фаолият билан шуғулланиш орқали қобилиятини намойён этиш, вақтин мазмунли ўтказиш имконига эга бўлиши лозим. Бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилганининг узиёқ болаларга муассасаларда ва ундан кейинги ҳаёт йўлида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш учун ҳозирданок ҳаракат бошлашимизга туртки бўлди.

Меҳрибонлик уйи муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга маъсул Миллий гвардия кўмондонининг ўринбосари лавозими ва Болалар меҳрибонлик уйи муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Жамоат ҳавфсизлиги университети таркибиде “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш кафедраси” ташкил этилиши зиммасига юқоқтилган маъсулиятнинг заъворини нечоғлиқ аҳамиятли эканини тасдиқлайди. Бу борада соҳа ходимлари аллақачон ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратиш олдимиздаги устувор вазифалардан биридир. Хусусан, уларнинг таълим олишини рағбатлантириш мақсадида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари тарбияланув-



дексининг мазмун-моҳияти, Президент сайлови кампаниясининг бориши, округ сайлов участкаларини тузиш, сайловчиларни рўйхатга олиш, хусусан, сайловчиларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш ва бошқа долзарб йўналишлардаги ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтиди.

Бош қомусимизнинг 32-моддасида Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакилларини орқали иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқи мустақамлангани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси хорижда меҳнат қилаётган, таълим олаётган ва бошқа сабаблар билан вақтинча бўлиб турган юрtdошларимизга Ўзбекистон Президенти сайло-

“Дунё” АА**МУНОСАБАТ**

Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш барчамиздан жиддий эътибор ва амалий ҳаракатларни талаб қилади. Бирорта бола “мен етим ёки ногиронман” деб ўқсинмаслиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳридан четда қолмаслиги керак. Уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, ишимизда албатта натижа бўлади. Фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**ЖАМИЯТДАГИ МЕҲРИ МУҲИТ
КЎНГЛИ ЎКСИК БОЛАЛАР ҲАЁТИНИ
ИЗГА СОЛАДИ**

Бошланиши 1-бета

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан ота-она меҳридан маҳрум бўлган ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга муносиб.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 28 июлда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, бу ердаги шароит билан танишди ва шу кунги ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум, етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди. Шу йиғилишда эътибор ва меҳрга муҳтож ўғил-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш юзасидан қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларига вазифалар белгилаб берди.

Кунги кеча эса Президентимизнинг иккита — “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.


Қарорларда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, бундай болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича бир-бирдан долзарб ва аҳамиятли масалаларни амалга ошириш белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий Болалар уйлари ва “SOS” Ўзбекистон болалар маҳаллалари нинг бириктирилиши зиммасига ҳам маъсулият, ҳам ишонч қўлади.

Ер юзиде ҳар бир бола бахтиёр яшашга ҳақли. Барча тендошлари қатори етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳам тўлақонли тарбия олиш, даволаниш, ўқиш, ўзи қизиққан фаолият билан шуғулланиш орқали қобилиятини намойён этиш, вақтин мазмунли ўтказиш имконига эга бўлиши лозим. Бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилганининг узиёқ болаларга муассасаларда ва ундан кейинги ҳаёт йўлида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш учун ҳозирданок ҳаракат бошлашимизга туртки бўлди.

Меҳрибонлик уйи муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга маъсул Миллий гвардия кўмондонининг ўринбосари лавозими ва Болалар меҳрибонлик уйи муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Жамоат ҳавфсизлиги университети таркибиде “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш кафедраси” ташкил этилиши зиммасига юқоқтилган маъсулиятнинг заъворини нечоғлиқ аҳамиятли эканини тасдиқлайди. Бу борада соҳа ходимлари аллақачон ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратиш олдимиздаги устувор вазифалардан биридир. Хусусан, уларнинг таълим олишини рағбатлантириш мақсадида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари тарбияланув-



Янги Наманган туманидаги 26-Меҳрибонлик уйи энг улуғ, энг азиз айём арафасида капитал реконструкция қилинди.



чилари учун режа асосида нодавлат таълим ташкилотига хорижий тил ва компьютер савдонлиги курслари қўшилди этилади. Муассасаларга олий таълим муассасаси ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг бириктирилиши, шунингдек, олий таълим муассасалари ректорлари тарбия муассасаларида тўғрақлар ташкил этилишига ва кутубхона фондиди бойитишига маъсуллиги белгилангани боис, бу борада муассасалараро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, режа асосида ишлар ташкил этилади.

Жумладан, эндиликда ҳар бир боланинг хоҳиш-истаги, қизиқиши ва келажакдаги мақсадлари, орзу-умидлари ўзидан сўралиши, танлаган касб ва йўналишига кўра, уларни олий таълим муассасаларига кирувчи “алоҳида имтиёзга эга тоифалар” сифатида назоратга олиниб, эътибордан четда қолиб кетишига йўл қўйилмайди.

Президент қарориде Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларидаги ўғил-қизлар мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга олиб чиқиши белгиланган бўлиб, бу борадаги ишларни ҳозирдан режалаштириш, тарихий масканларга ташрифларини уюштириш давомида уларга Ўзбекистон тарихини билиш, ўзлигини англаш ва Ватани билан ғурурларини ҳиссини уйғотиш борасидаги назарий билимларни ҳам синдириш лозим.

Болалар учун спортнинг якка кураш, футбол, сузиш, теннис, шахмат, чавандозлик каби спорт тўғрақлари ташкил этилиши уларнинг соғлом ва баркамол, айни пайтда, мамлакатимизда юқалиб бораётган спорт турлари билан шуғулланиш, бунинг ортидан мазкур йўналишларда ўз қобилиятини намойён этиш имконини беради.

Айтиш жоизки, муассасалардаги спорт объектлари фаолияти ва спорт

секцияларига қатнашувчилар сони ўрганиб чиқилганда, Тошкент шаҳридаги 30-, Бухоро шаҳридаги 32-, Фарғона вилоятидаги 1- ва 2- Меҳрибонлик уйларида спорт заллари ва сузиш бассейнларининг мавжуд эмаслиги, уларда болалар жисмоний соғломлаштириш ва спорт масалалари анча ортда қолганини кўраимиз.

Бундан кейин барча Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, кураш ва гимнастика ҳамда тренажёр заллари ҳамда бассейнлар билан таъминланади.

Президент қарори асосида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни касбга ўқитишга ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам янги механизм жорий этилмоқда. Унга кўра, касб эгаллаш истагида бўлган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида касб-ҳунарга ўқитилади. Бундай болаларнинг бизнес лойиҳалари учун “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида навбатсиз кредитлар ажратилади.

Қарор билан жорий йилнинг 15 августидан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Мазкур тартибга асосан ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга 18 ёшга тўлган йилда кўп квартиралар уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, воёга етган

етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Бу борада етим болаларга уй-жой ажратишнинг “онлайн-навбат” тизими яратилади ҳамда ажратилган уй-жойлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойда расмий веб-сайт орқали эълон қилиб борилади.

Шу ўринда бир хушхабарни ҳам айтиб ўтишни истардик. Президентимизнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриши ва видеоселектор йиғилишида белгилаб берган вазифаларидан сўнг Миллий гвардия кўмондонини пойтахтимизда Оилавий болалар уйи ташкил қилиш истагида бўлган фуқароларни қабул қилиб, уларга қисқа муддатларда барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши юзасидан тегишлилиги бўйича маъсул вазирлик ва ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорлик бошланган эди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида илк мартаба Муроджон Ҳасанов ва Умида Турдалиева оиласи 21-Меҳрибонлик уйидан 5 нафар ўғил-қизни ўз тарбиясига олиб, Оилавий болалар уйи фаолиятини йўлга қўйди.

Мазкур болалар уйи очилиш маросимида Миллий гвардия кўмондонлиги, Юнусобод туман ҳокимлиги ва бошқа маъсул вазирлик ҳамда ташкилотлар мутасадди раҳбарлари иштирок этиб, Умида Турдалиева бошлаган ушбу ўғил-қизларнинг маънавийти ва ватанпарвар бўлиб камол топишига ишонч билдирди.

Ортимизда бу каби савобли ишларга бош қўиши истагида бўлган юрtdошларимиз кўп. Ҳадемай қўллаб оилавий болалар уйлари етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз бағрини очди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ҳар икки қарори янги Ўзбекистондаги бағрикенглик, халқпарварлик ислохотларига ҳамоҳанг ҳолда, юртимизда ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини яна бир бор намойён этди.

**Сарвар МАМАЮСУПОВ,
Миллий гвардия кўмондонининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари**

ОЛИЙ ТАЪЛИМ



Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Урганч давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори

Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-хунар ўрганиши, ўз иқтидорини кенг намоён қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, кейинги йилларда олий таълим тизимида ўқув-тарбиявий ишлар янада тақомиллаштирилиб, илғор фан-техника ютуқлари, инновацион технологиялар, истиқболли лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Урганч давлат университетида ҳам эътирофга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Бундан беш йил аввал олий таълим муассасамизда 7 минг 221 нафар талаба тахсил олган бўлса, ҳозирги кунда талабалар сони 23 минг 200 нафарга етди.

СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАФАСИ

БИЗНИНГ ФАОЛИЯТИМИЗГА ҲАМ ҚАЙТА ҲАЁТ БАҒИШЛАЯПТИ

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ЖОНЛАНИШ

Таълим муассасамизнинг илмий салоҳиятида ҳам ўсиш бўлганини алоҳида қайд этиш керак. 2016 йилда университетда фаолият кўрсатаётган 619 нафар профессор-ўқитувчидан 14 нафари фан доктори, профессор, 142 нафари фан номзоди, доцент, 2 нафари фалсафа доктори эди. Жорий йилга келиб эса 27 нафар фан доктори, профессор, 210 нафар фан номзоди, доцент дарс бермоқда. Утган йили хорижий олий таълим муассасалари билан таълим ва илмий соҳада ҳамкорлик географиясини кенгайтириш мақсадида Россия Федерациясининг Белгород давлат технология университети, Гомель давлат университети, Удмуртия давлат университети ва Астра-

хань давлат техника университети, Польшанинг Вармин-Мазур университети, Хитойнинг Нанчанг университети, Латвиянинг Болтиқбуйи халқаро академияси ва Беларуснинг Беларусь миллий техника университети ва Могилёв давлат озиқ-овқат университети билан, шунингдек, Эрасмус+ дастурининг халқаро кредит мобиллиги лойиҳаси доирасида Испаниянинг Барселона университети билан шартномалар имзоланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 11 ноябрда Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда Урганч давлат университети табиий фанлар факультети негизда ювчилик бўлими ҳамда агрономия йўналишини очиб, соҳани зарур кадрлар билан таъминлаш юзасидан ўз фикрларини

баён қилган эди. Утган даврда бу буйича муайян ишлар бажарилди. Жумладан, университетимиз қошида КРАСС агромаслаҳат маркази, қовунчилик лабораторияси фаолият олиб бормоқда. 2016 йилда университетда 5 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, ҳозир бу курсаткич 25 тага етди. Хусусан, ўтган йили илмий тадқиқотлар ва таълимга йўналтирилган 309,148 АҚШ долларидек 13 та халқаро лойиҳа бажарилди. Сўнгги йилларда Урганч давлат университетида илмий тадқиқот ишларини жонлантириш, унинг ривожини янги босқичга кўтариш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, университетда саккизта ихтисослик бўйича бешта илмий кенгаш фаолият юритмоқда.

СИФАТДАГИ ЎЗГАРИШ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Университет ўқув жараёнига Россия, АҚШ, Австрия, Швейцария, Италия, Германия, Корея Республикаси, Польша ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларидан тажрибали мутахассислар жалб қилинмоқда. Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг хорижий олий таълим муассасаларига илмий-иқтисодий сافари уюштирилмоқда. Бундай тажриба алмашувлар таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигига ривожланган давлатлар амалиётини жорий этишга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармониغا асосан, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Ушайтинчалик бакалаврият босқичида 2 та йўналиш, магистратурада 4 та мутахассислик бўйича 43 нафар талаба қўшма таълим дастури бўйича тахсил олган бўлса, 2020/2021 ўқув йилида бакалаврият босқичида 5 та йўналиш, магистратура босқичида 6 та мутахассислик бўйича 128 нафар талаба таълим олди.

2021/2022 ўқув йилида Россия Федерациясининг Астрахань давлат университети, Астрахань давлат техника университети ва Олтой давлат университети, Беларусь Республикасининг Беларусь миллий техника университети ҳамда Могилёв давлат озиқ-овқат университети, Германия Федератив Республикасининг Вайенштефан-Триздорф амалий фанлар университети билан ҳамкорликда бакалаврият босқичида 3 та йўналиш, магистратура босқичида 7 та мутахассислик бўйича 139 нафар талаба тахсил олиши режалаштирилган.

ҚАБУЛ КВОТАСИ ҚАРИЙБ УЧ БАРОБАР ОШДИ

Президентимизнинг шу йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарори билан Урганч давлат университетида 2021/2022 ўқув йилида 65 та кундузги, 23 та сиртки таълим йўналиши ҳамда 31 та магистратура мутахассислигига қабул квоталари тасдиқланди. Шу билан бирга, бакалавриятнинг 17 та кундузги ва 2 та сиртки таълим йўналишида рус тилида ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Утган ўқув йилида Урганч давлат университети (бакалавр ҳамда магистратура) таълим йўналишлари бўйича 4830 та қабул квотаси ажратилган эди. 2021/2022 ўқув йилида бу курсаткич 4,2

фоиз оширилди. 2016 йилга нисбатан эса бу курсаткич 2,81 баробар ошган. Янги ўқув йили учун вилоятимизда кадрларга мавжуд эҳтиёж ҳисобга олиниб, тўртта янги бакалаврият таълим йўналиши ва 6 та магистратура мутахассислиги очилди. Бундан беш йил аввал университетда 8 та факультет, 30 та кафедра, 45 та таълим йўналиши ва 13 та мутахассислик мавжуд эди. Бугунги кунда бу курсаткич сезиларли даражада ошиб, факультетлар сони 12 тага етди. Беш йил ичида 4 та: биоинженерия ва озиқ-овқат ҳафсизлиги, санъатшунослик, кимёвий технологиялар ҳамда филология факультетлари очилди. Кафедралар сони эса 39 тага етди. Уларда 925 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатяпти.

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ФОЙДАСИ

Утган йил 1 январдан бошлаб юртимиздаги ун-та нуфузли олий таълим муассасаси қатори Урганч давлат университети ҳам тажриба-синнов тарихида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтди. Мустақил молиялаштириш тизимига ўтган муассасамизда давлат гранти ҳамда табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида кадрлар тайёрлаш давом этмоқда. Янги тизим жорий этилиши олий таълимнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бюджет маблағлари ажратилишини камайтиради.

Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида университет ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини, китоблар, журналлар, ўқув адабиётларини харид қилиш ва чоп этиштириш учун маблағларни мустақил сарфлаш ҳуқуқига эга бўлди.

БАРЧА ШАРОИТ ТАЛАБАЛАР УЧУН

Табиатшунослик йўналиши талабаларининг тажриба-синнов амалиётини ташкил қилиш учун 140,7 миллион сўмлик иссиқхона барпо этилди. Шунингдек, 562,7 миллион сўмга сунъий қопламали иккита футбол майдончаси қурилди. Талабалар учун ётоқхона етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида 200 ўринли талабалар турар жойи капитал таъмирланди ва жиҳозланиб фойдаланишга топширилди. Утган йили янги 500 ўринли талабалар турар жойи биноси қурилиши битказилиб, 1,43 миллион сўмлик мебеллар турар жиҳозланди. Мазкур турар қаватли талабалар турар жойида 72 ўринли 8 та ошхона, маданий дам олиш хоналари ва хориждан

келган профессор-ўқитувчилар учун меҳмонхона типидagi 25 кишига мўлжалланган алоҳида яшаш жойи ҳам мавжуд. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўрнатиш мақсадида қовунчилик, ахборот-ресурс ва хунармандчилик марказлари фаолиятини йўлга қўйилган. Университетнинг айна пайтда қурилаётган ахборот-ресурс маркази ҳам тез орада талабалар ихтиёрига топширилади. Шунингдек, 2000 уринга мўлжалланган янги ўқув биноси ва 6 та спорт майдончасини қуриш ишлари бошлангич арафасида. Янги ўқув биносини қуриб фойдаланишга топширилган 2022 ўқув йилига мўлжалланган.

Бундан ташқари, бу йил бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан университетга қарашли 776 ўринли ўқув биносини капитал реконструкция қилиш режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, 600 ўринли талабалар турар жойини реконструкция қилиш ҳамда техника факультети ўқув биносини капитал таъмирлаш ва иккита янги спорт майдончасини қуриш режалаштирилмоқда. Умуман олганда, буларнинг барчаси олий таълим муассасасини ҳар томонлама юксалтириш, талабаларнинг ўз мутахассислигини пухта ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш, замонавий моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юқсак илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

БУГУНГИ ЁШ ИХТИРОЧИЛАР ЭРТАНГИ ЎЗБЕК БРЕНДЛАРИ АСОСЧИЛАРИДИР

Акбар ИМОМОВ, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси

Тез ривожланаётган бугунги замонда дунёда қузатилаётган илм-фан ютуқлари, ихтиро ва кашфиётлардан ортда қолиш имкониятини қўлдан бой берил билан баробар. Чунки инновациялар, техника ва технологиялар мамлакатни тараққиётга етаклайди. Уларни муттасил янгилаб бориш, иқтисодийнинг барча тармоқларида кенг татбиқ этишгина мамлакат ривожига йўл очади.

олимлар ва тадбиркорлардан иборат жамоалар танлов асосида қабул қилинмоқда. Мен ҳам мазкур академия аъзоси сифатида унинг фаолиятида техника йўналишидаги ихтироларим билан иштирок этиб келяпман.

Болалигимдан техникага жуда қизиқман. Тошкент шаҳридаги 91-мактабда ўқиган пайтимдан бошлаб мустақил тарзда автомобиллар, самолётлар, роботлар ясардим. Болаликдаги бу қизиқиш мени дастлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети академик лицейига етаклади. Лицейни тамомлагач, шу университетга ўқишга ҳужжат топширдим. Иمتиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Айни пайтда мазкур олийгоҳнинг машинасозлик факультетида тахсил оляпман.

Инновацион ривожланиш вазирилик томонидан “Texnobus” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Утган йили мен ҳам унда иштирок этдим. Мазкур лойиҳа ёшларни инновацион соҳага, хусусан, робототехникага кенг жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда юртимиздаги 20га яқин умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйларига бориб, ўка-сингилларимизга маҳорат дарси ўтдик, уларнинг ихтирочилик кўникмасини оширдик.

Шундай учрашувларда ёшлар орасида техникага қизиқиши бандан, иқтидорли ўғил-қизлар кўпчилигига гувоҳ бўляпмиз. Улар ўзлари ясаган турли ўйинчоқлар, автомобиллар, самолёт макетларини намоиш этмоқда. Ижодий ишларини тақомиллаштириш учун уларга қўлдан келганча йўл-йўриқ, маслаҳат бераймиз.

Шу билан бирга, робототехника билан шуғулланувчи ёш мутахассисларни жамлаб, “Robot-machines” жамоасига асос солдик. Инновацион ривожланиш вазириликнинг волонтери сифатида ёшлар орасида робототехника, инновацион ангилликларни тартиб этипмиз.

Ҳозир робот кириб бормаган соҳани топши қийин. Замонавий роботлар одамлар билан елкама-елка ишлаб, йирик авиация двигателларидан тортиб, то микрохемали смартфонларни йиғишгача қўмақлашмоқда. Хитойда ресторан хўрандаларига хизмат кўрсатадиган, Японияда эса меҳмонларни қутиб оладиган, улар билан суҳбатлашадиган роботлар бор.

Дарҳақиқат, бугун роботлар рўзгоримизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Кўпчилигимизнинг хонадонимизда асосий қўмақчига айланиб қолган чанготкич, кир ювиш машинаси, микротўқинли печ — булар ҳам аслида роботлар.

Бугунги кунда Aldebaran Robotics компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “NAO” номли роботга энг муносиб дастур ёзиш бўйича халқаро танлов эълон қилинган. Шу мақсадда робот қўлаб мамлакатларга юборилди. Ҳар бир мамлакатнинг робототехника бўйича мутахассислари унга энг мос дастурни ишлаб чиқиш устида ишланмоқда. Мазкур робот Ўзбекистонга ҳам келтирилган. Жамоамиз ана шу танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айни пайтда унга дастур яратиш устида иш олиб бораймиз.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида нафақат маҳаллий, балки хорижий малакали ўқитувчилар ҳам дарс беради. Айни пайтда олийгоҳимиз халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган ташкилотлар, университетлар, илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Университетимизда уларнинг олимлари ва мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, тренинглари, шунингдек, долзарб илмий-инновацион йўналишлар бўйича конференциялар, семинар ва танловлар ўтказиб келинмоқда. Бу ўзаро тажриба алмашиш, дунёда қузатилаётган илмий янгиликлардан доимий хабардор бўлиб боришимизда муҳим ўрин тутаяди.



Ихтирочилик — қобилият, лекин уни амалиётга татбиқ этиш катта меҳнат, ўқиш ва изланишнинг талаб қилади. Хусусан, университетимизда ижодий имкониятларни намоён этиш, турли лойиҳаларни, жумладан, стартапларни амалга ошириш учун талабаларга кенг имкониятлар яратилган. Университетимиз ўқув жараёни учун зарур ускуналар билан таъминланган бўлиб, бу талабаларнинг назарий билими билан бирга, амалий кўникмасини ҳам ошириш имконини берапти. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, изланиши, янгиликка қўл уриши учун яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар сабаб шу кунгача бир нечта ихтиро муаллифи бўлдим. Ана шундай изланишларим, меҳнатларим эвазига умумий қиймати 45 миллион сўмлик иккита грант ютдим. Хусусан, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, электромобилнинг илк хомаки нусхасини ясадик. Уни “Elog-3” лойиҳаси деб номладик. Лойиҳа бар-

чага маъқул бўлди. Уни тақомиллаштириш учун университетимиз ректори 100 фоизлик грант тақдим этди. Биз бирор тайёр автомобилни олиб, уни электрлаштирмадик. Аксинча, электромобилни холдан ясадик. Бунинг учун имкон қадар енгил конструкциялардан фойдаландик. Биз ясаган электромобилнинг афзаллиги шундаки, кам харажат талаб қилади ва экологияга деярли зарар етказмайди. Масалан, нефть ёнгилгиси ёки мотор мойи буткул керак эмас. Оддий электромобилларга нисбатан камхарж. Ҳаракатланувчи механизмлар озлиги тўғрисида ўзидан деярли шовқин, атмосферага зарарли газ чиқармайди. Айни пайтда электромобилнинг устини тўлиқ ёпадиган корпус устида ишланаяпти. Электромобилни яқин вақтда мукаммал ҳолатга келтириб, оммавий тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шундай электромобиль ясашимизга бугунги кунда дунёда юзга келаётган тенденция сабаб бўлди. Чунки сўнгги

йилларда дунёда айнан шундай машиналарга эҳтиёж олиб бормоқда.

Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб дунё бўйича электромобиллар сони етмиш баробар ортади ва улар 140 миллионга етади. Бу кунга 1,8 миллион баррель нефтни, 7 фоиз бензинни иқтисод қилиш имконини беради, дегани.

Айрим давлатлар, компаниялар яқин келажакда ички ёнув двигателлари воситасида ҳаракатланадиган автомобиллар ишлаб чиқаришдан, улардан фойдаланадиган воз кенмоқчи. Хусусан, шу йилнинг 14 июль куни Еврокомиссия иқлим ўзгаришига қарши курашиш концепциясини тақдим этди. Унинг бандларидан бири 2035 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи ҳудудига ички ёнув двигателли автомобилларни сотишга тўлиқ тақиқ қўйишни назарда тутаяди.

Дунёга машҳур бренд — Mercedes-Benz ҳам 2030 йилга бориб ички ёнув двигателли автомобиллар урнига электромобиллар ишлаб чиқаришини маълум қилди. Audi компанияси эса 2026 йилдан электромобиллар ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтишни мўлжаллашмоқда.

Кўриниб турибдики, электромобилларга келажак автомобиллари сифатида қаралмоқда. Уларга бўлган талаб эса кун сайин ошиб бораверади.

Ҳа, бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар Учинчи Ренессанс бунёдкорлари сифатида эътироф этилмоқда, уларнинг иқтидорини юзга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учунчи Уйғонш даври асосчилари жаҳон ёшлари билан рақобатга кириша оладиган, ихтирочилик қобилияти билан улардан ҳеч ҳам қолишмайдиган авлод бўлиши керак. Бунинг учун Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда биз, ёшларга барча имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бугунги ёш ихтирочилар эртанги ўзбек брендлари асосчиларидир. Шу боис, ҳозир ўз устимизда тинмай ишлашимиз, дунё тажрибасини ўрганишимиз, ўз имкониятларимиз, мавжуд ресурслардан келиб чиқиб мамлакатимизга фойда келтирадиган ихтиролар қилишимиз зарур. Чунки бундай кашфиётлар, ихтиролар мамлакатни тараққиётга етаклайди. Юрт номини дунёга танитади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК



Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Халқимизда “Оққан дарё оқмай қолмас”, деган нақл бор. Вақт — буюк ҳакам. Дарё ҳам, инсон ҳам алал-оқибат ўзига, асл ўзанига, маънавий илдиэларига қайтади. Бир обод бўлган жой яна обод бўлади. Олис ўтмишда дунё тамаддунини тафаккур нури ила безаган, икки дарё оралиғида юксалган илми олис юлдузларгача етиб борган, инсоний фазилатлари оламни маҳлиё этган қутлбу макон — бугунги Ўзбекистонга ҳам бевосита тааллуқли бу гап. Томирларимиз, тарихий хотирамиз ҳамон бақувват.



ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

Шу боис, шиддат-шитобимиз ўзгача. Инсоннинг роҳат-фароғати, келажаги, фарзандлари тақдирини, орзу-умидларининг рўёбга чиқиши билан боғлиқ воқеалар тарихга айланмоқда. Оғир йўқотишларга қарамай, пандемия шароитидан юзага келган маънавий-ахлоқий тафтишдан ўтдик бундан атиги икки йил аввал бу касаллик турмуш тарзимизни кескин ўзгартириб юборди, дунёқарашимиз, урф-одатларимиз янгича мазмун касб этади, мамлакат гоёт мураккаб шароитда ҳам самарали меҳнат, изланиш, ижодкорлик палласига қиради, деса ишонини қийин эди. Не бахти, шундай бўлди.

давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётига назар ташлаган киши буни яққол сезади.

Яқин-яқингача жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурини анча тор эди, дунё тамаддуни ривожига бемисл ҳисса қўшган аждодларимизни демаса, бизни “икки дарё оралиғида пахта етиштирадиган қўли чаққон теримчи бир халқ”, дегувчилар кўп эди. Эндиликда дунё харитасида турли жаҳонларда мукамаллик сари интилаётган, ақл-заковати билан янги Ўйғонинг даври пойдеворини яратаятган Ўзбекистон жило-ланиб турибди.

Мамлакат Президентининг эл-юрт манфаатлари билан муштарақ халқчил сиёсати замирида ошқоралик, ҳаммиса эл ичида улар билан ҳамнафас бўлиш, ҳар бир фуқарода миллат ва мамлакат тақдирини кўриш, ҳар бир ешни ўз фарзандидек билиш, ёшларнинг маънавий камолини диққат марказида тутиш мақсади ётади. Давлат ва жамият ҳаётидаги ҳар бир қадам, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир қарор ва фармон шу мақсадга йўналтирилган.

Юрт бошқарувиغا келган Шавкат Мирзиёев бу дунёда умргузаронлик қилишининг муҳим маънавий асосларидан бири — яхши қўшничлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлилик сиёсатини амалга оширди. Баралла овоз билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистон яхши қўшничлик, манфаатли ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромдан бошланди. Фақат биз эмас, ўқ томирлари, дини ва тарихи бир, суви сувига, йўли йўлига уланган узок-яқин қўшнлар ҳам бу сиёсатни қордан кейинги биринчи лоладай, ёпиб қўйилган чашма кўзларининг очилишидай севинч ёшлари билан қутиб олди. Соғинч ҳисси вужудларига чуқур инган экан, одамлар гина-қудуратларини унутиб, бир-бирларини энтиқиб билан бағриларига босди. Йўллар очилди, ғов-тўсиқлар олиб ташланди. Мамлакатларини эмас, шаҳарларини ҳам бир-биридан ажратиб турган, отани боладан, қизни онадан, акани укадан, сингилни опадан узоқлаштириб, ўртага совуқлик туширган ваҳимали “блокпост”лар фаолиятига чек қўйилди. Тасаввур қилинг-а, Ўзбекистон фуқароларининг олиш тартиблари соддадаштилгани боиси, бир-биридан узилиб қолган юз мингдан ортиқ оила бирлашди. Андижон ва Ўш чегарасида ўрнатилган тўсиқлар

олиниб, йўл очилганида беихтиёр рақсга тушган оталар, оналар, “ўзга юртга келин бўлиб тушган” қизлар юзидаги қувонччи буюк расмон ҳам ифодалашга қийналади — ҳеч бир қоғоз, ҳеч бир бўёқ бундай ҳаяжонни тасвирлашга қодир эмас.

Шоир “Куванинг аноридай”, деб таърифлаган, “кафта олиб кўтарсанг кўтаргудай” митти сайёрада яшаймиз. Ер, сув, ҳаво, ўрмону саҳро, тоғлару даладар бир-бирига туташиб, бири иккинчисига сингишиб кетган. Инсон эоти шу она бешиқни биргалиқда асраб-авайлаши, Яратган Эгамга беадок шукроналар айтиб, тинч-тотув умргузаронлик қилиши, фарзандларини воёга етказиши, иссиқ-совуқ кунларда бир-бирига дилдошу сирдош бўлиши керак.

Тақдирнинг ўзи бир-биримизни тақдирдош қилиб қўйган. Атрофимизни ўраб турган пувиқор тоғлар, муаззам чуққилар, дашту саҳролар, баҳри уммонлар ўрнини ўзгартириб, дарёлар суви ни бошқа томонга буриб бўлмайди. Эсган шамол эсаверад, оққан дарё оқмай қолмайди. Миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларни бир-биридан узоқлаштириш, минг йиллик анъаналарни сохталаштириш мумкин эмас. Дустлик, биродарлик, яхши қўшничлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар бизни кўп офатлардан асраган ва бундан кейин ҳам асрайди.

Таассуфки, кўп йиллар бу буюк ҳақиқатнинг юзини чанг қоплади. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абай, Махтумқули, Чингиз Айтматов асарларида ифодаланган ҳаётини йўл-йўриқларга соя тушди. Бир-биримизни камроқ тинглайдиган, соғинайдиган, бир-биримизни ҳам иш битирадиган бўлиб қолдик. Таърихбасиз пойгачиларга ўшаб турфа томонларга қараб от сурдик. Ваҳ ва яна ваҳки, кўп йиллар бу айрилиқ азобларини ўз ҳаётимизда ҳис этиб турсак ҳам бир-биримизга ёвқараш қилдик, фақат бир томонни ҳақ деб билдик, ўзимиздан эмас, бошқалардан кир қидирдик. Не бахти, қарийб беш йил аввал бу ноҳуш ҳолат Ўзбекистоннинг янги раҳбари ташаббуси, сиёсий қатъияти, етакчилиги қобилияти, ёндош беш давлат раҳбарларининг иродаси билан ниҳоясига етди. Бугун энди бу ғайритабиий чекловлар илдиэларини қовлаб ўтиришдан мутлақо фойда йўқ — қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар, шу гапнинг ўзи етарли. Аммо бу йилларни истиқлол тарихи-

дан, одамлар хотирасидан чиқариб ташлашинг қани энди иложи бўлса.

Эҳ, нималар бўлмади, дейсиз. Қадим қишлоқни иккига ажратиб оқадиган сойнинг икки қирғоғи бир-бирига ёт бўлиб қолди, қабиристон бир томонда, бозор иккинчи томонда. Истиқлолдан сўнг қўшни давлат бўлиб қолган юртга тушган келинчақнинг афсус-надоматини тинглаш учун темир асаб керак: “Йўллар тақа-тақа ёпилди, отанамнинг жанозасига ҳам бора олмадим”, дейди у қуониб. “Богимдаги олмани сотиш учун нариги қирғоқдаги бозорга бориб, қўлга тушдим. Олмани контрабанда деб мусодара қилишди”, дейди деҳқон йигит. “Сигирим ўтлаб бориб, нариги томонга ўтиб кетибди, мол-да, чегарани тушунармиди, уч кун сўроқ бериб аранг қўтулдим, аммо сигирим кетди”, дейди ёш чорвадор.

Тоғ ёнбағирларига қўйилган портловчи моддалардан бевош отлар, моллар, қўй-эчкиларгина эмас, ёшлиги, болалиги шу жойларда ўтган одамлар кўпроқ талафот кўрди. Эсласанг юрагинг лора-пора бўлиб кетади.

Улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига бағишланган Иссиққул форумида қирғизларнинг оқсоқол адиби кўксига муштаб, “Эй биродарлар, бу қандақ сиёсат бўлди? Ешим саксондан ошди. Узим, болаларим на Самарқандни, на Бухорони, на Хивани кўрдим. Иссиққулни, Саричелакни, Арслонбобни кўрмаган ўзбеклар, тожиклар қанча. Нега йўлни тўсамиз, бир-биримизга олақараш қиламиз, ёв-

Шажарада томиримиз, Тиёнионимиз, Помиримиз, Нечун ўздан томиримиз, Баланд бўламиз, дўстим. Беруний, ибн Синога, Жомийдек пок сиймога, Навоийдек даҳога Дилбанд бўламиз, дўстим. Ширш шакар азалдан, Топли бизга асалдан, Бир байт каби азалдан Пайванд бўламиз, дўстим... Уртамизга кўп ниҳоқ, Солмоқ бўлдилар, бироқ, Асли биз эт ва тирноқ — Монанд бўламиз дўстим.

Тожик, қозоқ, қирғиз ҳамкасбларимиз кейинги пайтларда бир эмас, бир неча марта юртимизга келиб кетишди. Ўзбекистонлик ижодкорлар Хўжанд, Бишкек, Ўш, Олмаота, Нур-Султонда бўлди. Тадбиркорлар эл-юртга хизмат қилиш йўлидаги ҳамкорликни кун сайин кенгайтирмоқда. Фақат қариндош-уруғ эмас, маданият ва санъат аҳли, шоир-ёзувчилар, кино ва театр арбоблари, рассомлар, ҳофизлар ҳам бир-бирларига интиқ бўлган экан. Мана, энди янги ҳўрлик замонда ҳар бир тадбир, ҳар бир учрашув бирлик, тақдирдошлик байрамга айланиб, дилпарга завқ-шавқ улашмоқда. Бу жараён мамлакатларимиз, шаҳарларимиз ўртасидаги ички кооперацияга янгича руҳ бағишлайди. Беш давлат ўртасидаги ижтимоий-маънавий бирлик бугунги мураккаб даврнинг ноёб ибратларидан бири сифатида дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказаётир. Фахрлиниб айтаемизки, бу жараёни Ўзбекистон раҳбари бошлаб берди.

Шавкат Мирзиёев бугун вужуди, сиёсий иродаси ва матонати билан бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдирди, асрлар давомида бир-бирига елкадош бўлиб келган эллар ўртасидаги ишонч-ни тиклашга, уни янги сифат босқичига кўтаришга киришди, бу ишни ўзининг муқаддас вазифаси деб билди. БМТ минбарига, йирик халқаро анжуманларда олға сураётган ташаббусларида яхши қўшничлик, манфаатли ҳамкорлик ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган қудратли халоскор куч экани алоҳида ургуланди. Бу куч бир-бирига туташ дав-

Давлатимиз раҳбари юртаётган янги сиёсатда инсон омили ўзининг бор вироқи билан кўзга ташланди: яқин ва узок келажакка мўлжалланган шиорлар юзага чиқди — инсон ўз ҳаётидан бугуннинг ўзида рози бўлиб яшashi керак. Бунинг учун унга, энг аввало, эркинлик бериш, фикрини тинглаш, инсонлик, фуқаролик мақомини кўтариш зарур. Раҳбарлик ёғли мансаб, ҳадсиз имтиёз эмас — ишонч ва масъулият! Ҳар бир киши ўзини, иш услубини бугунги шароитга мослаши, уй-қарашларини янгилаши, хато-камчиликларини англаши, ўзини ўзи бошқариши, яъни тарбиялаши талаб этилади. Ҳаёт шитобига дош бериш учун бундан бошқа йўл йўқ.

Бир қарашда қийин иш эмас — бир заминда, битта ер, битта осмон остида яшаймиз. Бир-биримизни тушунишимиз керак. Яратган Эгамнинг моддий ва маънавий марҳаматлари — ер ости ва усти бойликлари, ер, сув, ҳаво фақат бир авлодининг, бир мамлакатнинг эмас, жамми инсон зотининг, демакки, келажак наслларнинг ҳам ризқ-насибаси. Бу буюк ҳақиқатни ҳеч ким ва ҳеч жойда бундан бошқача тушунамаслиги керак.

Азизиддин Насафий тушунган комил инсон ҳақидаги китобида “Дунё ҳеч қачон бир ҳолатда узок вақт туриб қолмайди — гоҳ денгиз тўлиқни янглиғ баландликка кўтарилади, гоҳ пасаяди, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади”, деб ёзади. Биз бугун аини шу ҳолатга гувоҳ бўлиб турибмиз. Пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароитда яшашга, қурашишга, фарзанд тарбияси билан шуғулланишга, уй қуришга, йўл тузатишга урганмоқдас. Ер ва суви, тоғ-тошлари, қон томирлари, орзу-умидлари бир-бирига туташ Марказий Осий

ЗИЁ ЧАШМАСИ

ФАРЗАНДИНИГИНИ КИТОБГА ОШНО ЭТИНГ

Равшан ҚОДИРОВ, Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани халқ таълими бўлими ходими

Бирмунча вақт аввал аҳоли, ёшлар ўртасида китоб, газета, журнал мутлоаси анча сусайиб, аксарият ёшларимизнинг қўлида китоб эмас, мобиль телефон бўлиб қолган эди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармоиши ўз вақтида қабул қилинди. У соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббуснинг ҳам бири — китобонлик тарғиботи. Фармоийшдан сўнг кутубхоналар

қайта тикланди, китобонликка катта эътибор қаратилди. Зеро, халқимизда “Танқид инсонни уйғотади, мактов эса ухлатади”, деган ҳикматли сўз бор. Очик гап, кўп таълим муассасаларида китобонлик тадбирларига бўлган эътибор яхши эмас эди. Мактабларда китобонлик тадбирларини бир йилда бир эмас, ўқув йили давомида мунтазам ўтказиб бориш керак. Қолаверса, бундай тадбирлар маҳалларда, кўпроқ ота-оналар ўртасида ўтказиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ота-она фарзандини китоб

қўқишга оилада қизиктириб бориши керак. Яна бир ҳақиқатни айтиш зарур, кўпгина хонадонларда кўша-кўша машинаю, қимматбаҳо жиҳозлар бисёр, аммо уй кутубхонаси йўқ. Агар юртимиз бўйлаб “Ҳар бир хонадонга кутубхона” шиори остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳоли ва ота-оналар ўртасида тарғибот юритилса, йиллар ўтиб, юртимиз бўйлаб китобон оилалар сони анча ортади.

Аксариятимиз фарзандимизга қимматбаҳо буюмлар, ширинликлар оламиз, аммо китоб совға қилмаймиз. Ота-оналар йиғилишида “Ким фарзандига яқин орада китоб совға қилди, уйингизда кутубхона борми, фарзандингиз қандай китоблар ўқиганини биласизми”, деган саволларга жавоб ололмаганман. Президентимизнинг “Китоб ўқиган битта бола телевизор кўрган унча болани бошқаради”, деган сўзида катта маъно бор. Ўзбекистон

Қаҳрамони, устоз Озод Шарофиддинов эса “Болаларни кўп танқид қилавермасдан, уларни китоб ўқишга ўргатинг, қизиктиринг, китобнинг ўзи уларни тарбиялаб олади”, деган эди.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида Сурхондарёга борганида кўп йиллар маориф соҳасида ишлаган, халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси Дўстқобил Қодировнинг уй кутубхонасида ўн мингта китоб борлигини эшитиб, вилоят ҳокимига унинг уйини бориб кўришни, агар ҳақиқатан ҳам шунча китоби бўлса, шахсий кутубхона қуриб беришни тайинлаган. Вилоят ҳокими Дўстқобил аканинг уйда шунча китоб борлигига ишонч ҳосил қилгач, шахсий кутубхона қуриб берди. Кутубхона учун мактабга тегишли, фойдаланилмай ётган таъмир-талаб бино маъқул топилди. Бино икки ой ичида таъмирланиб, чиройли, кўракм,

шинам кутубхонага айлантирилди. Атрофига яшил арчалар, турли гуллар экилди. Кутубхона олд қисмига эса “Таълим фахрийси Дўстқобил Қодировнинг уй кутубхонаси”, деб ёзиб қўйилди. Бу Президентимизнинг юртимиздаги маърифатпарвар, китобхон, китобсевар инсонларга бўлган чуқур ҳурматидан далолатдир.

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани халқ таълими бўлими билан биргалиқда “Фарзандларимизни китоб ўқишга қайтарайлик!” шиори остида китобхонлик давра суҳбатини ўтказдик. Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, мактаб маънавиятчилари ҳамда

кутубхоначилари иштирок этди. Тадбирда мактабларда китобонликка бағишланган тадбирларни имкон қадар кўпроқ ўтказиш, бу борада ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг хонадонига бориб, уй кутубхоналарини ташкил этишга қўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш борасидаги фикрлар айтилди.

Фарзандларимизнинг келажакда юксак маънавиятли, юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб улгайишида китобнинг беиннат тарбиявий восита эканини чуқур ҳис этиб, фарзандларимизни китоб билан дўстлаштирайлик, уларга китоб совға қилайлик!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-ЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2556.
76603 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбучтичлар кўчаси, 32-уй
ЎЗА яқини — 22:05 Топширилди — 23:05